

Oriental Journal of Philology**ORIENTAL JOURNAL OF PHILOLOGY**

journal homepage:

<http://www.supportscience.uz/index.php/ojp/about>**ON THE FORMS, TENSES, AND MOODS OF VERBS IN MEDIEVAL LINGUISTICS****Malika A. Nasirova***Professor, doctor of philosophy (PhD)**Oriental University**e-mail: m.nasirova@orientaluniversity.uz**Tashkent, Uzbekistan***ABOUT ARTICLE**

Key words: Root, derived form, verb, tense, mood, verb forms, root structure, verb classification, affirmative particle, particles that change the mood of the verb.

Received: 08.05.26**Accepted:** 09.05.26**Published:** 10.05.26

Abstract: This article analyzes some scholarly views on verb forms, tenses, and moods presented by the founders of medieval Arabic linguistics - Khalil ibn Ahmad al-Farahidi (718-790), Sibawayh (d.796), and Mahmud az-Zamakhshari (1075-1144), who made a significant contribution to the development of Arabic linguistics.

**ЎРТА АСР ТИЛШУНОСЛАРИ ФЕЪЛЛАРНИНГ ШАКЛ, ЗАМОН ВА МАЙЛЛАРИ
ҲАҚИДА****Малика А. Насирова***Профессор, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)**Oriental университети**e-mail: m.nasirova@orientaluniversity.uz**Тошкент, Ўзбекистон***МАҚОЛА ҲАҚИДА**

Калит сўзлар: Ўзак, ҳосила, феъл, замон, майл, феъл боблари, ўзак таркиби, феълларнинг классификациси, тасдиқ юкламаси, феъл майлини ўзгартирувчи юкламалар.

Аннотация: Ушбу мақолада ўрта аср араб тилшунослигининг асосчилари Халил ибн Аҳмад ал-Фароҳидий (718-791йй.), Абу Бишр Сибавайҳи (ваф. 796 й.) ва араб тилшунослиги ривожига улкан ҳисса қўшган Маҳмуд Замахшарий (1075-1144 йй.)ларнинг феъл формалари, замонлари ва майллари ҳақидаги айрим илмий қарашлари таҳлил қилинади.

**СРЕДНЕВЕКОВЫЕ ЯЗЫКОВЕДЫ О ФОРМАХ, ВРЕМЕНАХ И НАКЛОНЕНИЯХ
ГЛАГОЛОВ**

Малика А. Насирова

Профессор, доктор философии по филологическим наукам (PhD)

Университет Oriental

e-mail: m.nasirova@orientaluniversity.uz

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

<p>Ключевые слова: корень, производная форма, глагол, время, наклонение, породы глагола, структура корня, классификация глаголов, частица утверждения, частицы, изменяющие наклонение глагола.</p>	<p>Аннотация: В данной статье анализируются некоторые научные взгляды основоположников средневекового арабского языкознания – Халил ибн Ахмад аль-Фарахиди (718-791 гг.), Абу Бишр Сибавайхи (ум. 796 г.), а также внесшего значительный вклад в развитие арабского языкознания Махмуд аз-Замахшари (1075-1144 гг.), касающиеся форм глагола, его времен и наклонений.</p>
---	---

Кириш. Маълумки, “фeyл” сўз туркуми араб грамматикасида марказий ўринлардан бирини эгаллайди. Араб тилшунослигида фeyл шакллари, замон категориялари ва морфологик хусусиятлари илмий жиҳатдан чуқур ўрганилган. Айниқса, Сибавайҳийнинг “ал-Китоб” асирида фeyлнинг шаклий ва маъновий жиҳатлари кенг таҳлил қилинган. Унда араб фeyлининг турли шакллари, замонлари ва морфологик хусусиятлари ҳақида муҳим маълумотлар келтирилади.

Шунингдек, Халил ибн Аҳмаднинг қарашлари ҳам мазкур масалада муҳим аҳамият касб этади. Унинг фикрларида фeyл шаклларининг ўзаро муносабати, айниқса замон ва маъно жиҳатидан алоқалари ёритиб берилган.

Махмуд Замахшарийнинг фeyллар асосан юкламаларнинг таъсирида замон ёки майл мазмунида ўз маъносини ўзгартиришига оид назарий қарашлари тақдим этилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда араб тилшунослиги манбалари, жумладан, классик грамматик асарлар таҳлил қилинди. Қиёсий-таҳлилий усул орқали фeyл шакллари, уларнинг морфологик ва семантик хусусиятлари ўрганилди.

Асосий манбалар сифатида Сибавайҳийнинг “ал-Китоб” асири, унда келтирилган Халил ибн Аҳмаднинг фикрлари ҳамда Махмуд Замахшарийнинг “ал-Муфассал фи санъати-л-эъроб” асири таҳлил қилинди. Шунингдек, фeyл ўзаклари ва морфологик тузилишини тушунтиришда Б.М. Гранденинг назарий қарашларидан фойдаланилди.

Асосий қисм. Маълумки, “фeyл” сўз туркуми арабларнинг грамматикага оид манбаларида марказий ўринлардан бирини эгаллайди. Араб грамматик мушоҳадасининг ёрқин намунаси бўлган Сибавайҳийнинг “ал-Китоб” асирида араб фeyлининг баъзи бир форма ва шаклларига нисбатан устози Халил ибн Аҳмаднинг бир нечта иқтибослари

сақланиб қолган. Хусусан бу иктибослар феълнинг ўтган ва ҳозирги- келаси замон шаклларида унлиларининг ўзаро муносабатларига оид. Унда феълнинг I ва IV боблари маъноларининг ўзаро муносабатини ўрганади. Бу борада мазкур бобларнинг қисман мос келиши ҳақидаги фикр қизиқарлидир. Аниқроқ айтадиган бўлсак, бу ерда оғзаки нутқда кўрсатилган шакл, формалар анчадан бери аралашиб кетганлиги таъкидланади (Sibawayh's Book, 2006). Шунингдек, Халил ибн Аҳмад XII бобнинг “ҳодисанинг кўп маротабалилиги, такрорийлиги ва умумийлигини ифодаловчи” интенсив сифатида аниқ тавсифни беради.

Сибавайҳи феълнинг мадин (ўтган замон), мудорий (ҳозирги-келаси замон аниқ нисбат сифатдош шакли бошланғич шакл) ва амр (буйруқ майли) шаклларига замон тавсифларини беради, яъни ўтган замон учун “бўлган нарса”, ҳозирги-келаси замон учун “нима ҳақида гапирилаётган ва у тўхтамаёган” ҳамда буйруқ майли учун “ҳали бўлмаган, аммо бўладиган ҳодиса” (Sibawayh's Book, 2006) деб қарайди. Сибавайҳи фикрларини давом эттириб феълнинг турли категорияларига мукамал тавсифини беради, яъни ўтимлилик ва ўтимсизлик нисбати, шахс, сон, жинснинг ифодаланиши ҳамда феъл аффиксларини бирма бир санаб ўтади. Ўтган замон ва буйруқ майли шаклининг флексияга эга эмаслиги, ҳозирги-келаси замон шакллари эса аксинча флексияга эгаллиги ҳақидаги ҳолатни илгари суради.

Сибавайҳи феълнинг барча 15та бобининг шакл ва маъноларини батафсил таҳлил қилади ва улар ичидан II, XI, XII боблар – интенсив, II, IV боб – каузатив, V, VII, VIII боблар - рефлексив, VI боб - қўшма ҳаракат шакли, X боб - илтимосни ифодалаш каби маъноларни ажратиб кўрсатади. Бунда Сибавайҳий феълларнинг (у ёки бу феъллар ўртасида) семантик ва функционал бир хиллик, ўхшашликларни ва бир-бирга мос келишини бир неча маротаба таъкидлайди.

Асарининг якунида Сибавайҳи ўзакни ҳисобга олган ҳолда, 4 ва 5 ундошли ўзак феълларнинг ясалиш тасвирини беради, бунда ўзак турларини соғлом ва “касал” ёки “заиф” га ажратади. Бундан ташқари бир ва икки “касал” ўзакли феълларни ажратади ва бунда улар тўғри гемация қилинган феъллар каби парадигмани ташкил қилинишини таъкидлаб ўтади.

Араб грамматик тизимининг асосчилари аниқ ва мантиқан тўғри схемани ишлаб чиқишди, бунда барча сўзлар ундош ўзакларга келтирилган. Ўз тузилмаси бўйича бу меъёрдан фарқланувчи сўзларнинг морфологик хусусиятлари бир қатор қоидалар кўринишида талқин қилинган. Тилшунослар бундай ўзакнинг “типик вакили” сифатида, феълнинг бирламчи негизи сифатида унинг ўтган замон (перфект) бирлик сонидagi 3 шахс шаклини беришган, яъни I боб феъл шаклини. Бу феъл шакли барча сўзларнинг асоси, манбаси ҳисобланган, хаттоки феъл исмдан ясалганида ёки унинг бирламчи негизи

бўлмаганида луғатда биринчи ўринда феъл берилади, бунда мавжуд шакли ёки сунъий равишда тикланган шакли берилади. Бундай белгилаш ўзининг амалий афзал томонларига эга, бу шаклда сўзларнинг ўзаги энг аниқ шаклда намоён бўлади, чунки қисқа унлиларни олиб ташласак, биз юқорида тавсифлаган ундошли ўзакка эга бўламиз.

Б.М. Гранденинг берган тавсифига кўра, “ўзак қачондир тилда мустақил фаолият юритган ва ундан сўзлар ясалган деб ўйлаш нотўғри. Аксинча, тилда муайян сўзлар мавжуд, бу сўзлар муайян ўзақларга эга. Улардан морфологик таҳлил йўли билан ўзак ажратиб олинади, бу ўзақни унда унлилар йўқлиги туфайли талаффуз қилиш мумкин эмас. Шунга қарамадан, гапираётган онгида ўзақни ташкил қилувчи ундошлар гуруҳи сўзнинг моддий, яъни грамматик бўлмаган маъноси боғлиқ бўлган товушлар бирлиги сифатида идрок этилади. Айниқроқ айтганда, ўзак сўзнинг тарихий қайд этилган ҳолати сифатида эмас, балки сўзнинг қандайдир аниқ скелети ёки бундай негизга мансуб деган фикр бўлади. Агарда сомий тилларига оид адабиётларда “сўз мазкур ўзақдан ясалади” дейилса, бунда биз мазкур сўзни фақатгина грамматик тузилмасини тушунамиз. Аслида ўзак ва сўзнинг мутаносиблиги бундай иборада мавжуд бўлганга қарама– қаршидир, яъни морфологик таҳлил йўли билан ўзак сўздан чиқарилади, сўз ўзақдан ясалмайди” (Grande, 1998, p.11)

Маҳмуд Замахшарий “ал-Муфассал фи санъати-л-эъроб” асарининг 2-бобини “феъл” сўз туркумига бағишлаган (Al-Zamakhshari, 2012, p.199-236). Феълнинг асосий белгиси, фикрича, унинг иш-ҳаракат вақтини кўрсатишга бўлган қобилятидир. Феълнинг ўзига хос белгилари бу ўтган замон учун “қад” юқламаси, келаси замон учун “са” ва “савфа” юқламаларининг қўшилиши, шарт майли юқламалари ҳамда аниқ олмошларнинг қўшилиши, ҳамда ўтган замонда муаннас жинсининг 3-шаҳсида “т” суффиксини қўшилишидир.

Феълнинг ўтган замон шакли гапираётган пайтдан олдин бўлган иш-ҳаракатни ифодалайди, бу шакл флексияга эга эмас ва қисқа “а билан яқунланади. Бундан ташқари у суффикслар сифатида олмошларга эга бўлади, булар феълнинг шахс кўрсатгичлари, бу борада қисқа “а” тушиб қолдирилади.

Ҳозирги-келаси замон шакли “ҳамза, н, т, й” аффикслари билан бошланади, улар маълум шахс-сон шакллари бўйича тақсимланади, бу аффикслар ҳозирги ва келаси замоннинг барча шакллари учун умумийдир.

Ўтган замон шакли (perfekt) феълнинг охириги ўзагига, ҳозирги-келаси замон шакли (imperfekt) феълнинг олдига қўшимча қўшиш ёрдамида ясалади. Буйруқ шакли (imperativ) эса ҳеч қандай қўшимчага эга бўлмайди. (Nasirova, 2023, p. 38)

Араб тилидаги феъллар умумий жиҳатдан ўзининг таркибий тузилиши, ҳарфларнинг ўзаро алоқаси ва синтактик роли жиҳатидан турлича бўлиши мумкин . (Толипов, 2025. –

б.86) Феъллар ўз тузилмаси бўйича бирламчи ва ясама бўлиши мумкин. Бирламчилар қаторига 3 ёки 4 ундошли феъллар киради, уларда янги асосни ташкил қилувчи қўшимча унсур йўқ. Улар қаторига бутун иборалардан ташкил топган феъл ёки исмдан ясалган феъллар ҳам киради. Масалан, “талмаза” ёки “басмала”.

Ясама феъл шакллари қаторига қуйидагилар киради:

1. Феълларнинг II–XV боблари
2. Уч ундошли феълларнинг охирги ўзак ундоши иккиланса ёки “н, в, ж” ундошлари қўшилса, масалан, “жандала – жадала” – “ерга ағдармоқ”.

Бу феъллар 4 ундошли феълларга қўшимча деб ҳам номланади, чунки улар 4 ундошли ўзаклар модели асосида масдарларни ясайдилар.

Маҳмуд Замахшарий Басра тилшунослари каби асосий шакл сифатида буйрук майлини ҳам ажаратади (Al-Zamakhshari, 2021, p. 211), чунки бу майл флексияга эга эмас, яъни сўз охирида қўшимчага эга эмас. Замахшарий ва бошқа муаллифларнинг бундай таснифи Сибавайхининг феълнинг мажхул нисбати, ўтимлилик ва ўтимсизлилик шакллари талқинига тўлиқ мос келади.

Феъллар асосан юкламаларнинг таъсирида замон ёки майл мазмунида ўз маъносини ўзгартиради.

1. Яқунланган замон аксарият ҳолларда ўтган яқунланган шакл белгилаб беради. Масалан: qatala – “у ўлдирди”, агарда ундан олдин kana–“бўлмоқ” ёрдамчи феъл ёки тасдиқловчи qad юкламаси, баъзида эса kana ва qad биргаликда қўлланса, анча олдин ўтган замон маъноси ясалади.

2. Тугалланмаган, яқунланмаган замон бу берилган замонларнинг ҳар қандайини ясаб беради, аммо у битмаган, якунини топмаган иш бўлиши мумкин. Масалан, “аркабу” - ўзбек тилидаги “кетаяпман” маъноси мосдир, яъни бу ўтган замонга ҳам мос келиши мумкин ва бундан ташқари келаси замонга ҳам мос келиши мумкин. Масалан, “келаётган жума куни кетаяпман” маъносига ҳам тўғри келиши мумкин. Ҳақиқий келаси замон маъноси савфа – “ниҳоят” ёки унинг қисқартма са юкламаси билан ифодаланиши мумкин. Ҳақиқатда ўтган замон маъносини олдин келадиган kana юкламаси, бу ерда узоқ муддатлилик ёки одатийлик маъноси ҳам қўшилади. Масалан, kana йажлису – “у одатда ўтирар эди”, аслида яқунланган, битган замонга мос ҳолда яқунланмаган замон баъзида рус тилидаги равишдошга, баъзида рус тилидаги ноаниқ майлига мос келади. Бу айниқса, бошланиш маъносини англатадиган феълларда бўлади. Масалан, ахаза – “олмоқ”, жаъала – “қўймоқ”, шараъа ва тафиқа – “бошламоқ”. Масалан, ахаза йафъалу – “у қилишни бошлади” ва ма: бариха, ма: за:да, ма: фатиа, ма: анфакка – “тўхтамаслик”. Масалан, ма: бариха йафъалу – “у қилишда тўхтамас эди”. Шу туйғайли яқунланмаган замон яқинлик феълларидан сўнг қўлланилади. Масалан,

хара: –“интилмоқ”, ьаса: –“имкониятли бўлмоқ”, қараба ва қа:да –“яқин бўлимоқ”, вашука (I ва II боб) – “бажаришга тайёр бўлмоқ”. Масалан, қараба йафъалу– “у қилиб қўйишига сал қолди” ва мавжудлик ва бўлиб етишиш феълларидан сўнг, масалан, асбаҳа йафъалу – “у қилаётган бўлиб чиқди”.

1. Шартли майли ан, кай, ли, лиан, ликай юкламаларига боғлиқ, булар “учун” маъносида таржима қилинади; алла, кайла, ликайла – “учун эмас”; из ёки изан – “бундай ҳолатда унда”; лан – “ҳеч қандай, ҳеч қачон”; ав– “ҳали эмас”, хатта – “унгача, хали йўқ, учун” юкламалари, бундан ташқари инкорни, таъқиқни, буйруқ, сўроқ ёки хоҳиш ва истакни ифодаловчи феъллардан сўнг фа ва ва ишлатилади. Бунда фа – “учун, учун эмас, ва– “ўша пайтда, ўша даврда”. Бошқа маъноларда бу юкламалар шарт майлини талаб қилмайди.

2. Шарт майли қуйидаги юкламаларга боғлиқ: 1) шартни ифодаловчи юкламалар ин– “агар”; 2) ли– 1 ва 2 шахс учун буйруқ майлини алмаштиради. Масалана, линафъал– “оламизда қиламиз!”, фалйафъал–“у қилсин”; 3) ла: – буйруқ майли инкор ўрнини босади, яъни таъқиқни ифодалайди, масалан, ла: тафъал– “қилма!”; 4) лам– яқунланган замоннинг ўрнини босиб, ўтган замонни инкорини ифодалайди, масалан, лам йафъал– “у қилмади”.(Al-Zamakhshari, 2012, p.273)

3. Кучайтирилган майл ҳам келаси замон маъносига эга бўлиб, кучайтирилган савол, буйруқ, хоҳиш-истак ва қасамда қўлланилади. Аксарият ҳолларда “ла” тасдиқловчи юклама билан қўлланилади. Масалан, хал тафъаланна ёки хал тафъалан– “сен қила оласанми?”, лиафъаланна ёки лиафъалан– “у қилсин!”, Валлахи лаафъаланна – “Аллоҳга қасамки, мен қиламан!” маъноларида келади.

Натижалар. Араб тилида феъл уч асосий шаклга эга: ўтган замон (мадин), ҳозирги-келаси замон (мудорий) ва буйруқ майли (амр).

- Сибавайҳий феълнинг 15 та бобини ажратиб, уларнинг семантик хусусиятларини белгилаб берган.

- Феъл боблари орасида семантик яқинлик мавжуд: масалан, II ва IV боблар каузатив, V, VII, VIII боблар рефлексив маъноларни ифодалайди.

- Халил ибн Аҳмад XII бобни интенсивлик, такрорийлик ва умумийликни ифодаловчи шакл сифатида тавсифлайди.

- Феъллар морфологик жиҳатдан ундош ўзакларга асосланади ва бу ўзаклар сўзнинг асосий маъносини ифодалайди.

- Маҳмуд Замахшарий феълнинг асосий белгиси сифатида ҳаракатнинг вақт билан боғлиқлигини кўрсатади.

• Феъл маънолари турли юкламалар орқали кенгайиб, замон ва майл маъноларини хосил қилади.

Муҳокама. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, араб тилшунослигида феъл категорияси мураккаб ва кўп қиррали тизимни ташкил этади. Классик тилшунослар феъл шакллари нафақат морфологик, балки семантик ва функционал жиҳатдан ҳам чуқур таҳлил қилганлар.

Б. М. Гранде таъкидлаганидек, ўзак мустақил бирлик сифатида эмас, балки сўз таркибидан ажратиб олинган назарий тушунча сифатида қаралади. Бу эса араб тилидаги морфологик тизимнинг ўзига хослиги ва мукамаллигини янада очиб беради.

Шу билан бирга, феъл шаклларининг ўзаро семантик яқинлиги ва функционал алоқадорлиги араб тилида маъно ифодалашнинг юқори даражада ривожланганлигини кўрсатади.

Хулоса. Араб тилшунослигида феъл категорияси илмий асосланган мукамал тизимга эга бўлиб, у замон, майл ва морфологик шакллар орқали кенг маъно имкониятларини таъминлайди. Классик олимлар томонидан ишлаб чиқилган назарий қарашлар бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини сақлаб қолмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Al-Anbari, K. (1985). Equity in the Issues of Dispute between the Basran and Kufan Grammarians. *Al-insaf fi masaili -l- xilaf bayna nahviyyin: al-basriyyin va-l- kufiyyin.* – Misr.: Dar ihyau at-turas al-arabi. (in Arabic)
2. Al-Zamakhshari, M. (2012). The Detailed Book on the Art of I'rab. *Al-Mufassal fi San'at al-I'rab.* – Cairo: Dar al-hadis. – 360 p. (in Arabic)
3. Grande, B.M. (2001). Course of the Arabic Language in Comparative-Historical Perspective. *Kurs arabского yazyka v sravnitel'no-istoricheskom osveshchenii.* – Moscow: Vostochnaya literatura. – 592 p. (in Russian).
4. History of Linguistic Doctrines: The Medieval East. (1981). *Istoriya lingvisticheskix ucheniy. Srednevekoviy Vostok.* – Leningrad: Nauka. (in Russian).
5. Sibawayh's Book. Edited by Abd al-Salam Harun. (2006). *Kitab Sibavayh. Tadqiq Horun, Abd as-Salam.* – Beirut. (in Arabic)
6. Nasirova, M.A. Classification of moods of verbs in Arabic language. Араб тилида феъл майллариининг таснифи // *The Light of Islam Journal.* –Tashkent: 2023. -№ 4. – pp. 36-41 (in Uzbek)
7. Talipov, N. B. (2025). Classification and Formation of Past Tense Verbs in the Arabic Language: A Linguistic Analysis. *Arab tilida fe'llarning o'tgan zamondagi tasnifi va shakllanishi:*

lingvistik tahlil // Problems of foreign language research and teaching. Conference Proceedings. – Tashkent: Oriental university. – pp. 85-90 (in Uzbek)

8. Yushmanov, H.B. (1985). Grammar of the Literary Arabic Language. Grammatika literaturnogo arabskogo yazika. – Moscow: Nauka. (in Russian).

4. Yakovenko, E.V. (2000). Irregular Verbs of the Arabic Language: Conjugation Grammar. Nepravilnie glagoli arabskogo yazika. Grammatika spryajeniya. – Moscow: Vostochnaya literatura. (in Russian).